



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 1 май, № 84 (8707)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ САМАРҚАНД — ЮНЕСКО КОНФЕРЕНЦИЯСИ УЧУН МУНОСИБ ШАҲАР

Самарали ва фаол ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистонга дунё мамлакатларининг, турли халқро ташкилотларнинг ишончи, хайрихоҳлиги ошиб бормоқда. Ўзаро алоқалар янада кенгайиб, юқори кўлам ва моҳият касб этмоқда. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Бунинг натижасида 2017 — 2023 йилларда миллий маданий меросимизнинг 14 та ноёб намунаси ЮНЕСКО рўйхатларидан жой олиб, инсоният мероси сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Бухоро шаҳри Ижодкор шаҳарлар тармоғига киритилди. 2023 йил сентябрь ойида ЮНЕСКО бош қароргоҳида буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги кенг нишонланди.

Нуктаи назар

2023 йил 7 — 22 ноябрь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессияси якунида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси бир овоздан қўллаб-қувватлангани жаҳон ҳамжамияти томонидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Ваҳоланки, ЮНЕСКОга аъзо давлатлардан ҳеч бири, 34-сессиядан 42-сессиягача Бош конференцияни ўз мамлакатида ўтказиш ташаббуси билан чиқмаган эди. Ушбу нуфузли халқаро анжуманни юқори даражада ташкил этишга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш, шунингдек, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг “2025 йил-

да ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича чоратadbirlartўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Мазкур ҳужжатга биноан “Самарқанд — жаҳон тамаддунлари чоррахасида” китоб-альбомини ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этиш, почта маркалари ва конвертлар туркумини яратиш, тақвимлар ва кўргазмалар тарғибот воситалари, эсдалик тангалари, кумуш ва олтин тангаларнинг умуммалага чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

Ташқи ишлар вазирлигига эса ЮНЕСКО бош директори номига

Ўзбекистон Республикасининг Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот марказига аъзо бўлиши учун расмий ариза топшириш юклатилди. Эътиборлиси, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия Ўзбекистондаги шаҳарлар, ноёб маданий ва табиий мерос объектларини тегишлича ЮНЕСКОнинг Ижодкор шаҳарлар ҳамда Таълимни тарғиб этувчи шаҳарлар тармоқларига, шунингдек, халқаро рўйхатларига ки-

ритиш масалалари билан шуғулланади.

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига ЮНЕСКО мезонлари асосида ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўли давлат музейини ташкил этиш, соҳибқирон Амир Темури боғларини қайта тиклаш, Бибиҳоним мажмуасини реставрация қилиш, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган Бухоро тарихий мар-

зани муҳофаза этишга қаратилган унинг мастер ва менежмент режаларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли қарорлар лойиҳаларини киритиш вазифаси юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда қадимий ва бетакрор Самарқанд қатор долзарб масалалар юзасидан глобал мулоқот марказига айланган. Жумладан, шаҳарда БМТ мандати остида учта форум бўлиб ўтди. ➡4

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Алоқалар юқори босқичда давом этади

Хитойнинг Шэньси провинцияси губернатори Чжао Ган бошчилигидаги делегациянинг Самарқандга ташрифи ва вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов билан учрашуви турли йўналишларда ривожланиб бораётган минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда яна бир муҳим қадам бўлди.

Илиқ ва дўстона муҳитда ўтган мулоқотда икки минтақа шаҳарларида нафақат бизнес форумлари, балки маданият кунларини ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Якунда томонлар икки ҳудуд муносабатларини ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш ва белгиланган масалалар бўйича яқин ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди.

Коррупцияга қарши курашиш зарурати

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан Финляндия Республикаси Хельсинки университети ҳузуридаги Қонун устуворлиги маркази ўртасида ўзаро Англашув меморандуми имзоланди.

Ушбу меморандум доирасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик давлат хизматчилари ҳамда жамоатчилик вакилларини коррупцияга қарши ўқитиш, жумладан, тренинг, семинар ва анжуманлар ташкил этиш, амалиётлар ўташ, эксперт алмашинуви йўлга қўйиш белгиланган. Шунингдек, ўқув дастурлари ҳамда ўқув-услубий қўлланмалар алмашиш ва ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилинади.

Сунъий интеллект: муаммо ва ечимлар

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида “Миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида сунъий интеллектнинг жорий этилиши: мавжуд муаммолар ва ечимлар” мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантириш истикболлари, ушбу технологиядан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланишнинг истикболли йўналишлари ва қорхоналар иш самарадорлигини яхшилашга қаратилган аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди.

Конференция сўнггида иштирокчилар сунъий интеллект технологияларининг устувор ривожланиш йўналишларини аниқлади. Илгор технологиялардан фойдаланиш лойиҳаларини амалга ошириш учун навбатдаги қадамлар белгиланган олинди.

«Халқ сўзи».

ГЎЗАЛЛИК ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

Музыка ва рақс санъатининг машҳур намояндлари камол топган, 2024 йилда “Ислом дунёсининг туризм пойтахти” деб эътироф этилган қадимий ва навқирон Хива яна бир нуфузли халқаро анжуманга мезбонлик қилди. Гап шундаки, Ўзбекистон Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида “Лазги” II халқаро рақс фестивали ўтказилди.

Фестиваль

Президентимизнинг 2020 йил 28 сентябрдаги “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, воҳага ташриф бу-

юраётган хорижий сайёҳлар орасида бой маданий меросимизни кенг тарғиб қилиш ва шу орқали арт туризмини ривожлантириш, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган мазкур санъат байрамида дунёнинг 30 га яқин давлат-

ларидан рақс санъати усталари, мамлакатимиз фольклор жамоалари қатнашди.

Фестиваль тадбирларини хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари кенг ёритиб борди.

Тадбир муносабати билан байрамона безатилган Ичан қалъанинг қадимий обидалари, майдонлари ҳар қачонгидан-да гўзал ва мафтункор қиёфа касб этди. Фестиваль доирасида бу ерда Ўзбекистон рақс санъати фотокўргазмаси, халқ хунармандчилиги махсулотлари ярмаркаси ташкил қилинди. ➡4

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ ВА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ АСОСИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир ШИРИНОВ билан суҳбатимиз Асосий Қонунимизнинг аҳамияти, дастуриламал ҳужжат асосида амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида бўлди.

— Жаҳонгир Жабборович, биланмики ҳар қандай демократик ислохотлар чин маънода халқчил конституциявий асосга эга бўлсагина кўзланган эзгу мақсадларга эришиш мумкин бўлади. Шу маънода айтганда, мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишга қандай зарурат бор эди?

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқ-

Маълумки, яъни 2023 йил 30 апрель кунини мамлакатимизда ўтказилган референдумда янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинганди. Мазкур муҳим сиёсий жараёнда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи янги тахрирдаги Бош қомусимизни ёқлаб овоз бергани унда халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо қилиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганини ифода этади.

Эксклюзив интервью

да. Жумладан, манзилли ижтимоий ҳимоя тизими яратилди, иқтисодиёт эркинлашиб, хусусий мулк эгалари кўпаймоқда. Маданий ҳаётимизда, спорт соҳасида ёшларимизнинг ютуқлари кундан-кунга осяпти, парламентаризм ва суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам демократик ўзгаришлар қилинапти. Халқимизнинг қарашлари тубдан ўзгариб, ҳуқуқий онги янада юксалиб борапти. Энг муҳими, давлат органлари устидан таъсирчан жамоатчилик назорати самарали ўрнатилмоқда.

Шубҳасиз, бу сайёҳаракатлар халқимизнинг тинч, фаровон яшашини таъминлаш, оилалар мустаҳкамлигини кафолатлаш, кексаларимизни улуғлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги маъқеани ошириш, навқирон авлод вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. ➡3

Янги Ўзбекистон конституциясини ҳаётга татбиқ этишда ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Янги Ўзбекистон Конституцияси: амалга оширилган ишлар ва устувор вазифалар» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференция

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда депутатлар, сенаторлар, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, Конституциявий суд судьялари, илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари, олимлар, журналистлар иштирок этди.

Конференцияни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов кириш сўзи билан очиб, ўтган йили 30 апрелда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини намоён этиб янги тахрирдаги Конституцияни қабул қилганини, Президентимиз конституциявий ислохотларнинг ҳам ташаббускори, ҳам илҳомлантирувчиси бўлганини алоҳида қайд этди.

Таъкидлаб ўтилганидек, янги тахрирдаги Конституция билан Ўзбекистонда янги ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланди, давлат ўзига улкан ижтимоий-иқтисодий мажбуриятларни олди, мамлакат ўзини ижтимоий давлат сифатида эълон қилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмлари татбиқ этилди. Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг самарали янги модели жорий қилинди.

Конституцияимизда муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ёки

қилинмаганидан қатъи назар, Бош қомусимиз қоидаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш орқали демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш механизмлари мустаҳкамланди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид аниқ нормалар сони уч баробардан зиёд кўпайди. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари кенг кўламли масалаларни қамраб олган нормалар билан янада мустаҳкамланди. Фуқаролар қонун лойиҳасини тўғридан-тўғри парламентга киритиш ҳуқуқига эга бўлди. Ушбу янги ташаббус фуқароларнинг ўз ҳаётига, умуман, жамиятга ва давлатга таъсир этувчи қарорлар қабул қилишдаги иштирокини оширишга қаратилган Спикер томонидан алоҳида қайд этилди.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов сўзга чиқиб, янги тахрирдаги Конституцияимизда унинг мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгаллиги, тўғридан-тўғри амал қилиши, бутун мамлакат ҳудудида ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этишга тааллуқли конституциявий нормалар мустаҳкамлаб қўйилганини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда янги тахрирдаги Конституцияимиз қабул қилинган илк кунларданок уни ҳаётга изчил татбиқ этишга жиддий киришилганига урғу берилиб, бу бўйича маърузалар тингланди. ➡3

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева 30 апрель кунини Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот қўмитаси раиси Шин Донг Гинни қабул қилди.

Мулоқот

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, парламентларо алоқаларнинг амалдаги ҳолати ва истикболлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда режалар муҳокама марказида бўлди.

Хусусан, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини 5 миллиард долларга етказиш учун мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш лозимлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, соғлиқни сақлаш йўналишида янги лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш, шу жумладан, янги тиббиёт марказларини ташкил этиш, фармацевтика кластерларини ишга тушириш, кадрлар тайёрлаш, ҳудудий тиббиёт муассасаларини илгор усуллар билан жиҳозлаш юзасидан фикр алмашилди.

Суҳбат чоғида кейинги йилларда парламентлар ўртасидаги алоқалар фаоллашгани, дўстлик гуруҳларининг яқин мулоқоти йўлга

қўйилганига урғу берилди. Шу билан бирга, Олий Мажлис Сенатида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича махсус комиссиянинг тузилгани мамлакатлар раҳбарияти томонидан икки томонлама ҳамкорликка катта эътибор қаратилаётганининг ифодаси экани эътироф этилди. Олий даражадаги келишувлар ва қўшма лойиҳаларнинг ушбу комиссия доирасида муҳокама қилиниши уларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишига кўмак бераётгани айтиб ўтилди.

Мулоқот доирасида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот қўмитаси тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш орқали она ва бола саломатлигини таъминлаш, репродуктив кўрсаткичларни яхшилаш, ирсий касалликларнинг олдини олиш ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари учун волонтерларни жалб қилиш йўналишларида ўзаро тажриба алмашишга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

